

АКМАЛҲОНОВ Акмалхон

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
доценти в.б., филология фанлари
бўйича фалсафа доктори, PhD

АБУ ЯЪҚУБ САККОКИЙНИНГ “МИФТОҲУ-Л-УЛУМ” АСАРИДА “МУРАККАБ” ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР ТАЛҚИНИ

THE PRESENT STUDY EXAMINES THE INTERPRETATION OF “INTRICATE” AUXILIARY WORDS IN SAKKAKI’S “MIFTAHU-L- ULUM”

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ “СЛОЖНЫХ” СЛУЖЕБНЫХ СЛОВ В ПРОИЗВЕДЕНИИ АБУ ЯКУБА САККАКИ “МИФТАХУ-Л-УЛУМ”

Аннотация: Араб тили грамматикасида ҳажм жиҳатдан оз ҳарфлардан ташкил топган туркум ёрдамчи сўзлар ҳисобланади. Мазкур тилда синтактик ўзгаришлар мураккаб бўлганлиги боис ёрдамчи сўзлар гап таркибида кўп қўлланади. Бу мураккабликларни ёрдамчи сўзлар маълум маънода соддалаштиради. Оз ҳарфлардан ташкил топганлигига қарамай, ёрдамчи сўзларнинг семантик майдони кенг саналади. Мазкур мақолада шу каби масалалар ёритилади.

Калим сўз ва иборалар: Абу Яъқуб Саккокий, “Мифтоҳу-л-улум”, лексика, ёрдамчи сўз, исм, феъл, содда, мураккаб.

Abstract: In the grammar of Arabic, function words constitute a category that is characterised by brevity, consisting of a small number of letters. Given the intricate syntactic changes that characterise this language, function words are often deployed within sentences. These words serve to streamline the intricacies of the language to a certain extent. Despite their conciseness, function words exhibit a vast semantic range. This article explores these changes in greater detail.

Keywords: Abu Yaqub Sakkaki, “Miftah al-ulum” lexicon, function word, noun, verb, simple, complex.

Аннотация: В грамматике арабского языка служебные слова относятся к категории,

состоящей из небольшого количества букв. В связи со сложными синтаксическими изменениями в данном языке служебные слова широко используются в структуре предложения. Эти сложности в определенной степени упрощаются служебными словами. Несмотря на то, что служебные слова состоят из небольшого количества букв, их семантическое поле считается широким. В данной статье рассматриваются подобные вопросы.

Ключевые слова: Абу Яъқуб Саккокий, «Мифтоҳу-л-улум» (Ключ к наукам), лексика, служебное слово, имя существительное, глагол, простое, сложное.

КИРИШ

Абу Яъқуб Саккокийнинг араб тили грамматикаси ҳақидаги қарашлари ўзининг хос баён усулига эга эканлиги, мантикий изчиллик асосида бўлганлиги, энг муҳими, такрорланмаслиги билан кунимизда ҳам долзарблик касб этади. Мана шундай хусусиятларни ўз ичига олган қарашларидан бири бу ҳарф (ёрдамчи сўзлар туркуми) туркуми ва унинг бўлиниши ҳақида ҳисобланади. Олим араб тили лексикасини ташкил қилувчи учинчи туркум ҳарфларнинг мураккаблиги осонлаштириш, қулай ўзлаштиришни таъминлаш учун тузилиши жиҳатидан бир неча турларга бўлиб олади.

Мазкур турларнинг ҳажм жиҳатидан каттаси бу икки, уч ва тўрт ундошдан ташкил топган ёрдамчи сўзлардир. Муаллиф улар ҳақида шундай ёзган эди, у: “Мураккаб ҳарф (الحرف المركب) уч турли бўлиб, икки ундошли, уч ундошли, тўрт ундошлилардир” [1:39].

АСОСИЙ ҚИСМ

Саккокий мураккаб жар ҳарфларини икки ҳарфдан ташкил топганини ёритгач, уч ҳарфдан иборат ёрдамчи сўзларни баён қилишни бошлайди. Бу ҳақда: “Уч ундошли ёрдамчи сўзлар олтига бўлиб, булар: إلى - (-га, гача), على - (устига, устига), عدا - (-дан бошқа), خلا - (-дан ташқари), رب - (баъзан, эҳтимол) [кўпчилилик фикрига кўра], منذ - (“-дан бери, дан буён”)), деб айтган Саккокий [1:39]. (Баҳс давомида «жар ҳарфи» бирикмаси ўрнига кўра «харф», «ёрдамчи сўз», «кўмакчи» тарзида қўлланган).

Йўналиш маъносида кўп қўлланивчи ёрдамчи сўз إلى - (-га, -гача) бўлиб, олим бу

ҳақда шундай ёзган: إلى ماълум бир нарсанинг чегарасининг тугашини ифодалайди. مع - (“билан, билан бирга”) маъносида ҳам келади. Мисол учун Аллоҳ таъоло сўзи: ولا تأكلوا أموالهم إلى (уларнинг мол-дунёларини ўзингизнинг мол-дунёларингиз (билан)га кўшиб еманг. Нисо сураси, 2-оят) [1:40]. Шуларни ёзиш билан кифояланади. Ушбу ёрдамчи соъз қолган ёрдамчи соъзлар каби кўп маъноли ҳисобланмайди. إلى ҳарфи (-да, ҳузурида) маъносида келиб, муносабатни баён этиш вазифасида келади, мисол учун: الفقر بالشكر أحب – (шукр бор йўқчилик менинг учун шукр йўқ фаровонликдан кўра маҳбубдир).

Кейинчи ёрдамчи сўз ҳақида: “على - (устиди, устига) баландликни ифодалаб, исм бўлиб ҳам келади”, деб ёзиб, шоир Ибн Ҳорис Уқайлийнинг қуйидаги байтини мисол сифатида келтиради:

غدت من عليه بعدما تم ظمؤها – унинг устида чанқоғи босилгач, эрталаб жўнади [1:40].

Саккокий бу ўринда ҳарфнинг исм деб айтишига сабаб, فوق - (уст) маъносида, шу билан бирга ҳарф бўлсада олдидан من - (дан) ҳарф келганлиги учун ҳисобланади.

Бу ҳарфнинг қолган ҳарфлардан алоҳида хусусиятлари бор бўлиб, олим бу ҳақда: “Бу ёрдамчи сўз, исм, феъл бўлиб келади,” деб ёзган. Саккокий бирикма олмошлар бу ҳарфга қўшилганда бўладиган морфологик ўзгариш ҳақида: “Шунингдек, бу сўздаги “алиф мақсура” олмош билан бирикканда “йā” га айланади,” деб ёзиб, баъзан мазкур қоидага бўйсунмайдиган ҳолат кузатилиши мумкинлиги ҳақида қуйидаги маълумотни келтирган: “Қулайла лаҳжасида бундай бўлмай, “алиф”га айланиб, علاء - (унинг устида, (га) шаклларида бўлади” [1:40].

Бу ҳарфнинг юқоридаги маъносидан бошқа маънолари бор. Улар:

في (-да, ичида) маъносида келади, мисол учун: -ودخل المدينة على حين غفلة من أهلها (ва шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатда бўлган пайтда кирди. Қасос сураси, 15-оят). Мисол келтирилган ушбу оятда -على حين (пайт устида) бирикма في حين (пайтда) маъносидадир.

Сабаб маъносини ифодаловчи ل - (учун) маъносида, мисол учун: -ولتكبروا الله على ما هداكم (сизларни ҳидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуғлашингиз учун. Бақара сураси, 185-оят) [6:282-83].

Саккокийнинг ушбу ҳарф феъл бўлиб келиши ҳақидаги фикри علا-(баланд бўлмоқ, кўтарилмоқ, кўтармоқ) феъли асосида бўлиб, феъл шаклан ҳарф бўлиб келган шаклдан “алиф” билан фарқ қилади [1:40]. Феъл бўлиб келганига Имрўл Қайснинг қуйидаги байти далил бўлади:

علا قطنا بالشيم أيمن صوبه (унинг томонини ўнг деб билиб, белни кўтарди) [10:193].

Демак, ушбу ҳарф исм ҳам феъл ҳам бўлиб келади. Исмга хос хусусиятлар бўлса, у исм, феълга хос хусусиятларга эга бўлиб келса, у феъл ҳисобланади.

Араб тилига хос бўлган категориялардан бири истисно бўлиб, бу тушунча баъзи сўзлар ёрдамида ифодаланади. علاء، خلا (“-дан бошқа, -дан ташқари”) шундай сўзлар сирасига киради. Бу ҳақида Саккокий: “علاء، خلا (“-дан бошқа, -дан ташқари”) истисноликни ифодалаш учун қўлланади. Мазкур ёрдамчи сўз ўзидан кейинги сўзни насб қилувчи феъл бўлиб, олмошлар билан бирикмайди. Агар иккови гап бошида келса, Ҳасан ибн Аҳмад Ахфашдан ривоят қилгандан бошқа ўринларда насбни лозим тутмайди,” деб ёзган эди [1:40].

Бу сўзлар ҳарф ёки феълга мансублиги борасида икки хил қараш бор. Бу қарашларнинг умумий фарқли жиҳати бу сўзлардан кейин қайси келишик келиши ҳисобланади. Агар бу сўзлардан кейин келаётган сўз қаратқич келишигида келса, бу ҳолатда мазкур сўзлар ҳарф ҳисобланади. Агар кейин келаётган сўз тушум келишигида келса, мазкур сўзлар феъл ҳисобланади. Феъл бўлса, ундан кейин бевосита қаратқич келишиги келиши феъллик хусусиятига тўғри келмайди.

Бошқа сўзларда учрамайдиган, турли хил қарашларга сабаб бўлган асосий омил бу сўзлардан кейин ҳар иккала келишик қўйилиши тўғри бўлиши ҳисобланади. Уларнинг бири ҳисобланувчи خلا сўзини бир тоифа араблар фақатгина қаратқич келишигида келтирувчи ҳарф сифатида қўллайдилар [3:49]. Бундай синтактик вазифаси сабабли феъл ва ҳарф туркумларида муштарак сўз ҳисобланади. علاء сўзи эса, Сибавайҳи ва Абу Аббос Мубаррадрлар фикрларига кўра [3:49] ҳарф эмас, фақат феъл ҳисобланади. Саккокийнинг “Ҳасан ибн Аҳмад Ахфашдан ривоят қилгандан бошқа ўринларда” жумласи Ахфаш бу сўзни خلا каби ҳарф ҳам бўлиб келиши ҳақидаги фикрига ишора

ҳисобланади. “бошқа ўринларда насбни лозим тутмайди” жумласи эса, бу сўзларнинг асли феъл бўлганини билдириб келади.

Хл феъли “бўш бўлмоқ”, “йўқ бўлмоқ”, “маҳрум бўлмоқ” маъноларини, عدا “югурмоқ”, “ташлаб кетмоқ”, “воз кечмоқ” маъноларини билдиради. Бу икки сўз гап бошида келса, демак, улар ҳарфнинг синтактик вазифаси ва у англатган маънодан ташқарида ҳисобланиб, феъл маъносида келаётган бўлади. Гап ўртасида келса, улардан кейин келаётган сўз ҳар иккала келишда туриши тўғри ҳисобланади ва “-дан бошқа, -дан ташқари” маъноларини ифода этади.

Ҳарф эмас, феъл эканлигини билдирувчи асосий синтактик белгиларидан бири кўп ҳолларда бу икки сўздан кейин тушум келишиги келишидир. Бу сўзлардан олдин зиёда ҳисобланувчи, таъкид маъносидаги ما қўшиладиган бўлса (ما عدا، ما خلا), улардан кейинги сўз фақат тушум келишигида келади. Кам ҳолларда ўзидан кейинги сўзни қаратқич келишигида келтиради. Ҳарф сифатида келаётганининг асосий белгиларидан бири Саккокий таъкидлаганидек, бирикма олмошлари билан бирикмаслиги ҳисобланади [1:40].

Шу маънода қўлланувчи иккала туркумда муштарак ҳисобланувчи сўзлардан яна бири حاشا (-дан бошқа, -дан ташқари) ҳисобланади. Саккокий тўрт ундошдан иборат ҳарфлар ҳақида: “Тўрт ундошли ёрдамчи сўзлар иккита бўлиб, булар: حاشا (-дан бошқа, -дан ташқари), حتى (-гача, токи)дир. حاشا (-дан бошқа, -дан ташқари) истисноликни ифодалаш бўлиб, фикрни тамом бошқа нарсага қаратиш маъносидадир. Бу сўз насб қилувчи феъллардан ҳисобланади,” деб ёзган [1:40].

حاشى сўзининг حاشى шакли ҳам мавжуд, у аксарият ҳолда ўзидан кейинги сўзни қаратқич келишигида келтиради. Шунинг учун Сибавайҳи бу сўзни ҳарф жар сифатида келтиради [2:349]. Кам ҳолларда ўзидан кейинги сўзни тушум келишигида ҳам келтиради.

حاشى шаклида “чиқармоқ” маъносини англаса, حاشى шаклида “Аллоҳ сақласин” маъносини англатади. Жумла ўртасида келганида истисно ҳарфи бўлиб, “-дан бошқа, -дан ташқари” маъноларини ифода этади.

Тўрт ундошдан иборат ёрдамчи сўзлардан бири حتى (-гача, токи) бўлиб, қолган ҳарфлардан

исм ва феъл билан бевосита боғланиши билан ажралиб туради. Бу сўз Басра мактаби намояндалари фикрларига кўра қаратқич келишигида келтирувчи ҳарф, боғловчи ҳарф, жумла бошида келувчи ҳарф ҳисоблашса, Куфа мактаби намояндалари мазкур хусусиятлар билан бир қаторда феълни насб қилувчи ҳарф эканлигини ҳам таъкидлайдилар [4:127].

Қаратқич келишигида келтирувчи ҳарф сифатида الى (-га, -гача) билан маънодош ҳисобланади. Сибавайҳи ва бошқа Басра мактаби намояндалари бу ҳарф бирикма олмоши билан боғланмаслигини таъкидлайдилар [2:383]. Бирикма олмош билан бирикмаслиги الى билан фарқланишининг энг асосий белгиси ҳисобланади. Бу вазифада исм олдидан келади ва уни қаратқичда келтиради. Исм билан келганда бирор нарсанинг охиригача бўлганини ифода этади, мисол учун: قرأت الكتاب حتى آخره - (китобни ўқидим, хатто охиригача). Бундай маънода аввалгиси бутун бўлса, бу ҳарфдан кейинги сўз бутуннинг бир бўлаги бўлиши керак. Агар бундай маъно жиҳатдан боғланиш бўлмаса, бу ўринда الى қўлланади.

حتى боғловчи вазифасида келганида боғланаётган сўзларнинг иккинчи аввалгисининг бир қисми бўлиши шарт қилинади, мисол учун: يموت كل الناس حتى الانبياء - (ҳамма инсонлар ҳаттоки, пайғамбарлар ҳам ўлади). Боғловчи вазифасида келганида ўзидан кейинги сўз бош келишигида келади [7:334].

Жумла бошида келганида ундан кейин от кесимли гап келади ва “хатто” маъносини ифода этади. Шоир Жарир байтидан мисол:

فما زالت القتلى تمج دماءها بدجلة، حتى ماء دجلة أشكل

Уруш қонларини Дажлага пуфлаб ташлади, хатто [бундан] Дажла суви қизғиш [7:680].

Ушбу шеър байтида حتى ماء دجلة أشكل (хатто Дажла суви қизғишдир) алоҳида от кесимли гап ҳисобланиб, حتى жумла бошида келиб, ўзидан кейинги сўз бош келишида келмоқда.

حتى ҳарфи сабабни ифодаловчи маъносида ҳам келиши мумкин, мисол учун: اعمل الصالحات حتى تدخل الجنة - (жаннатга кириш учун солиҳ амаллар қил). Бу маънони ифодалаганда феъл билан бирикмади ва феълнинг насбда келишини талаб қилади.

Демак, мазкур ҳарф исм ва феъл билан бирикиб, жумлада “-гача”, “хатто”, “хаттоки” маъноларини ифода этади. Синтактик вазифасига кўра ўзидан кейинги сўзни

бош (рафъ), қаратқич (жар), тушум (насб) келишикларда келтиради. Бу хусусият қолган ҳарфларда кузатилмайди.

Кейинги жар қилувчи رُ - (“баъзан, эҳтимол”) озайтириш, баъзан кўпайтириш учун қўлланади. Шу ҳақида Саккокий: “Менингча, энг тўғриси бу ҳақда Ахфаш: “бу исм бўлган” деб айтган маълумотдир. Унингча, бу сўз ҳарф жарлик (қаратқич келишигини келтирувчи кўмакчи) лозим эмас. Бу сўздан кейин ноаниқ ҳолатдаги сўз келади. Масалан: ربه رجلا - еҳтимол, у кишидир. Бу ўринда олмош кимга ишора қилинаётганлиги аниқ эмас. Бундай деювчилар тамйиз (чеклов)ни лозим деб билишга эътибор қаратадилар,” деб ёзган [1:40].

Ушбу сўз деярли барча манбаларда ўзидан кейинги сўзни қаратқич келишигида келтирувчи кўмакчи сифатида талқин қилинади. Саккокий эътибор қаратган томони бу сўзнинг исм ёки ҳарф борасидаги мунозара бўлмоқда. Шунинг учун “Менингча, энг тўғриси бу ҳақда Ахфаш: “бу исм бўлган” деб айтган маълумотдир,” деб айтган Саккокий [1:40]. Бу фикри билан олим Куфа мактаби намаёндаларининг фикрларини қўллаб-қувватламоқда. ر سўзи исм туркумга мансублиги ҳақида Саккокий ёклаган Куфа мактаби тилшунослари қуйидаги далилларни келтиришади:

Оз ёки айрим ҳолларда кўп маъносида ифодаб, كم – (“неча, қанча”) сўригига жавоб бўлади. كم сўзи эса, исм ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу сўз исм туркумига мансубдир.

Қуйидаги жиҳатлари билан мазкур сўз кўмакчи бўлолмайди: бу сўз жумла бошида келади, ҳарф эса жумла бошида келмайди. Ўртада келиб, исм ва феъл туркумларини боғлайди; бу сўздан кейинги сўз ноаниқ ҳолатда бўлиши шарт қилинса, ҳарфлардан кейин аниқ ва ноаниқ ҳолатда келиши мумкин; бу сўздан кейин аниқланмиш ноаниқ ҳолатда бўлиши керак бўлса, ҳарфлардан кейин аниқ ва ноаниқ ҳолатда келиши мумкин.

Энг ёрқин далил бу сўзда товуш тушиши кузатилади, ҳарфда эса бу ҳолат кузатилмайди [9:832-833].

Саккокий бу далилларни кучли деб билиб, Басра мактаби тилшунослари тарафдори бўлсада, бу сўз борасида Куфа мактаби тарафдорларини фикрларини кучли ҳисоблайди. Олимнинг бу борадаги фикрлари юқоридаги келтирилган далилларни қамраб

олади. Бунга ишора олароқ: “бу сўз ҳарф жарлик (қаратқич келишигини келтирувчи кўмакчи) лозим эмас. Бу сўздан кейин ноаниқ ҳолатдаги сўз келади. Масалан: ربه رجلا - еҳтимол, у кишидир. Бу ўринда олмош кимга ишора қилинаётганлиги аниқ эмас,” деб ёзган эди Саккокий [1:40].

Саккокийнинг бу борада алоҳида қарашга эга эканлигининг бу сўзга бириккан олмош ҳақидаги фикридан билиб олиш мумкин, юқорида “Бу ўринда олмош кимга ишора қилинаётганлиги аниқ эмас,” деб ёзди [1:40]. Агар Саккокий Куфа мактаби тарафдорларига тўғридан тўғри эргашганлигида бу олмош шахс сонда ўзгаришини ҳам баён қилган бўларди. Куфа мактаби намаёндалари фикрларига кўра ربه сўзидаги бирикма олмош иккилик, кўплик, музаккар, муаннас шаклларда ўзгаради [10:261]. Басра мактаби тилшуносларига кўра бу ўзгармас шаклда ҳисобланади.

Саккокий ўз қарашига эга бўлиб, муаммода берилган далилларнинг қайси бири кучли бўлса, шуларни келтирган.

Саккокийнинг “Бундай деювчилар тамйиз (чеклов)ни лозим деб билишга эътибор қаратадилар,” деб ёзганлиги [1:40] бу сўзга олмош бирикканидан кейин, бу олмошни баён қилувчи сўз тушум келишигида келишига ишора қилмоқда. Мисол учун Ибн Ҳишон Ансорий келтирган ушбу байт:

رَبِّهِ قَتِيَّةٌ دَعَوْتُ إِلَى مَا يُوْرَثُ الْحَمْدَ دَائِبًا، فَأَجَابُوا

Доим мактовни мерос қолдиришга чакирдим ёшларни,

Жавоб қилдилар бунга озлари [5:19].

Саккокий мавзуда давом этиб: “Бу сўз феълдан кейин келмайди. Бизнингча, бу сўз иштирок этган гапдаги феъл ўтган замонда бўлиши керак. Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи: رِمَا - хали, хоҳлаб қоладилар. Ҳижр сураси, 2-оят), ушбу оятда رِمَا сўзига ما - (мā кāффа, синтактик вазифадан қолдирувчи юклама) қўшилган,” деб ёзган [1:40].

Саккокий мавзу борасидаги энг мунозарали тортишувни келтириб бўлгач, бу сўзнинг гапдаги ўрни, ўзидан кейинги сўз билан синтактик муносабатларни ёритмоқда. Ушбу сўздан кейин бевосита феъл келмайди. Феъл билан бирикиши учун унга ما - (мā кāффа, синтактик вазифадан қолдирувчи юклама) қўшилиши шарт қилинади. Феъл бу сўз билан боғланганда, албатта, ўтган замон шаклида бўлиши лозим. Бу

қоидада истисно ҳолат бўлиши мумкинлигига ишора ўлароқ Саккокий (ربما يود -ҳали, хоҳлаб қоладилар) Ҳижр сурасидаги иккинчи оятни мисол сифатида келтиради [1:40]. Бу оят қуйидагича: ربما يود الذين كفروا لو كانوا مسلمين – (ҳали кофир кимсалар мусулмон бўлсак эди, деб хоҳлаб қоладилар). Бу оятда мазкур сўздан кейин ўтган замон эмас, ҳозирги замон феъл шакли келмоқда. Оят мазмунини яхши англаган наҳвийлар бу ҳолатда ҳозирги замон феъли аниқликка, хоҳлаб қолишлари шубҳасизлигини билдириб келади, деб ҳисоблайдилар [10:266].

Саккокий бу сўзнинг шакларини кўп эканлигига ишора қилиб: “Бу сўзнинг фатҳали (а) бўлиб келиши бекор қилинган бўлиб, бу шаклдан бошқа тўққизта шакли бор. Булар: رَبِّتْ، رَبِّ، رَبُّ، رَبُّ، رَبُّ، رَبُّ، رَبُّ، رَبُّ” деб ёзган [1:40]. Аҳмад ибн Абдунур Маликий бу шакллар билан бирга رَبَّتْМА шаклини ҳам келтирган эди [7:216].

Бу сўзнинг мураккаблик томонларидан яна бирга Саккокий тўхталган. У: “Кўпинча “vāv” дан кейин тушиб қолади. Баъзан “fā” дан кейин ҳам тушиб қолади,” деб ёзиб, Имриъул Қайснинг ушбу байтини мисол сифатида келтиради:

فمّاك حبلى قد طرقت و(رب) مريض - сенинг мисолинг тақиллатган оғироёқ кабидир ва эҳтимол, эмизикли [каби]дир [1:40].

Фикрини давом эттириб: “Баъзан بل - (балки) сўздан кейин ҳам тушиб қолади,” деб ёзиб, мисол сифатида шоир Марзавқий (المرزوقي) қуйидаги байтини келтиради:

بل (رب) بلد ذي سعد وأصاب - балки, шикаст етказган ҳолдаги йўллари бор юрт, эҳтимол [1:40].

Бў сўзи исм ёки ҳарф эканлиги анчайин мунозарали баҳс ҳисобланади. Бу борада Саккокийнинг ўзгача қараши бошқа олимларникидан фарқ қилишини мавзунини ёритишидан билиб олса бўлади.

ХУЛОСА

Олимнинг чуқур илмий қарашлари биринчи масдар ҳисобланган оят, ҳадислардан кейинги ўринда турувчи манба шеърларга асосланган. Олим мавзунини ёритишда ушбу манбалардан моҳирлик билан далиллар келтирган.

Саккокий ўздан кейинги сўзни қаратқич келишигида келтирувчи сўзларни таркибидаги ҳарфлар сонига қараб гуруҳларга бўлиб, уларни кенг тартафсил, ўрни келганда мухтасар тарзда

баён қилди. Бундай баён усулини бошқа тилшуносларда учратиш қийин. Саккокийнинг энг катта ютуғи бу мавзунини тизимлаштириб баён қилишидир. Бу услуб орқали энг кичик маълумот ҳам батафсил ёритилган. Бу мавзуда ёритилган сўзларнинг маъно хусусиятлари, синтактик вазифалари, маъносини сақлаган ҳолда жумла таркибида тушиб қолиши аниқ далиллар асосида баҳс қилинган. Уларнинг энг баҳсли ҳисобланган турларини борасида Саккокий ўз қарашлари билдириб ўтган. Бу сўзларнинг қолган ёрдамчи сўзлардан асосий фарқи исм билан бевосита боғланиб, баъзилари феъл билан билвосита боғланиши ҳисобланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Имом Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтоҳу-л-улум. Анкара миллий кутубхонаси. Қўлёзма 26 Нк 192 рақам. – 244 в.
2. Абу Бишр Амр ибн Усман ибн Қанбар. Китаб Сибавайх. Муҳаққиқ: Абду Салам Муҳаммад Ҳарун. Жуз. 2. – Қоҳира: Мактабат ал-хонижи, 1988. 430 с.
3. Абу ал-Бақа Яиш ибн Али ибн Яиш ал-Мавсили. Шарҳ ал-Муфасссал ли-ал-Замахшарий. Муҳаққиқ: Амил Бадий Яъқуб. Жуз. 3. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 2001. 448 с.
4. Ибн Умм Қасим ал-Марради. Ал-жанни ал-дани фи ҳуруф ал-маъани. 2010. 145 с.
5. Ибн Ҳишам ал-Ансари. Авдаъ ал-масалик ила алфийя Ибн Малик. Жуз. 3. Дар ал-кутуб ал-илмийя. – Байрут, 2007. 466 с.
6. Аҳмад Мухтар Амр. Ал-Наҳв ал-асаси. – Қувайт: Маншурат зат ал-сасил, 1994. 656 с.
7. Аҳмад ибн Абд Нур ал-Малки. Муҳаққиқ: Аҳмад Муҳаммад. Расф ал-мабани фи шарҳ ҳуруф ал-маъани. Матбаъат мажмаъ ал-луға ал-арабийя. 532 с.
8. Шайх Мустафа ал-Ғалайини. Жамийъ ал-дурус ал-арабийя. Жуз. 3. – Байрут: Муъассаса ал-рисала, 2010. 804 с.
9. Шайх Имам Камал ал-Дин Абу ал-Баракат Абдул Раҳман ибн Муҳаммад ибн Аби Саид ал-Анбарий ал-Наҳвий. Муҳаққиқ: Муҳаммад Муҳйи ал-Дин Абду Мажид. Ал-Инсаф фи ал-масаил ал-хилаф. – Қоҳира: Матбаъат ал-саъада, 1971. Жуз. 2. 880 с.
10. Али ибн Муҳаммад ал-Наҳвий ал-Ҳаравий. Муҳаққиқ: Абдул Мажид ал-Малоухий. Ал-Китаб ал-азҳия фи илм ал-хуруф. Матбаъат мажмаъ ал-луға ал-арабийя. – Дамашк, 1993. 382 с.